

турыў механизмин жаратыў аркалы ерисиледи. Бундай курслардың нәтийжелилиги материалдың билим алыўшының индивидуал интеллектуаллық, физиологиялық хәм психологиялық жағдайына адаптация етилгенлигине тиккелей байланыссы болады.

Электрон үйретиўши орталықлар гипертекст тийкарында болып, элементлери, түсиниклери яки бөлимлери мазмуны бойынша гипербағытлар жәрдемінде бир бири менен байланыстырылған формада бериледи хәм олардың мәнисин ашып, толығырақ мағлыўмат алыўды тәмийинлейди. Гипербағытлар бойынша сызықлы хәм тармақланыўшы навигация түсиниклери терең, ассоциатив байланыста үйрениў имканиятын береді.

Аралықтан оқытыў ушын жаратылатуғын хәр бир элементке қойылатуғын дидактикалық талаптарды айтып отейик. Текстли оқыў информация – толық, хәттеки артықша информациядан ибарат болыўы керек, себеби талаба бул жерден пән бойынша қалған мағлыўматты табыўы керек. Тестлер – хәр бир тема бойынша дүзилген болып, коррект сораўлардан хәм жуўаптардан ибарат болыўы

хәм де оқыў материалын пухта өзлестириўге жәрдем бериўи керек. Тест талабаның билими, көнликпелери хәм укыпшылықлары ҳаққында объектив мағлыўмат берип барыўы шәрт. Мәселелер топламы – хәр бир тема бойынша дәретиўшилиқ пенен дүзилген мәселелер, теориялық билимлерди пайдаланыў көнликпелерин раўажландырыўға, материалды бекемлеўге жәрдем бериўи лазым. Соның менен бирге дәретиўшилиқ орталығы, вербал болмаған кураллар, автор орталығы оқыў материалларын методикалық тәрептен қолайлы, белгили избе-изликте хәм траекторияда, көргизбелі түрде, конкрет оқыў орны, конкрет талабаға масластырылған ҳалда, автордың таңлап алған стратегиясы бойынша оқыў материалларын қосыў имканиятын бериўи талап етиледи.

Информация қәуипсизлиги пәни бойынша жаратылған электрон тәлим ресурслары аралықтан оқыў курсларында бир модул сыпатында пайдаланыўға болатуғын педагогикалық дидактикалық курал болып, оқыў курсы толқ камтып алған, материаллары түсиникли, көргизбелі хәм өзлестириўге қолайлы комплекс болып табылады [3].

Әдебиятлар

1. Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: пед. фан. докт. ... дисс. автореферати. – Тошкент: 2007, 38-б.
2. Жураев Р.Х., Тайлаков Н.И., Расулова Г.А. Узлуксиз таълим тизими учун электрон ўқув қўлланмалари яратишга оид илмий-методик талаблар. // Узлуксиз таълим. – Тошкент: 2005. № 2.
3. Turenliyazova A.I. Kompyuter tarmaqlari'nda informaciya qa'wipsizligi mashqalasi'ni'n' aktualli'g'i'. «Муғаллим хәм ўзликсиз тәлим» илимий-методикалық журнал. – Нукус: 2013, №6, 10-12- б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада масофали ўқитиш талабаларнинг мустақил ишлаш шакли сифатида, «Ахборот хавфсизлиги» фани бўйича электрон таълим ресурсларига қўйиладиган дидактик талаблар ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы организации дистанционного образования как самостоятельной работы студентов и дидактические требования к электронным образовательным ресурсам по предмету «Безопасность информации».

SUMMARY

In the article the author considers the issues of distance learning as a form of organization of self-study, independent work of students and didactical requirements to the electronic educational resources in the subject "Information security".

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ

У.Утанов - мустақил изланувчи

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети

Таянч сўзлар: мезон, педагогик мезон, маънавий мезон, тарихийлик, мантикийлик, ижтимоийлашувлик, психологик, коммуникатив, маънавий таҳлил, маънавий эҳтиёж, кўрсаткич.

Ключевые слова: критерий, педагогические критерии, духовные критерии, историчность, логичность, обобщение, психологический, коммуникативный, духовный анализ, духовная потребность, показатель.

Key words: criteria, pedagogical criterias, spiritual criterias, historical method, logicality, generalization, psychological, communicative, spiritual analysis, spiritual need, indicator.

Мезон – муайян бир назария, таълимот, фан, дунёқараш ёки назарий дастурнинг асоси; инсоннинг эътиқоди, воқеликка бўлган муносабати ва хулқ-атвор меъёрларини белгилаб беради. Фалсафада мезон – бошланғич нукта, бошқарувчи ғоя, хулқ-атвор, ўзини тутишининг асоси сифатида қаралади. Мантикий маънода мезон марказий тушунча бўлиб, абстракция

сифатида олинган ҳодисанинг барча соҳаларига татбиқ қилинувчи, умумлаштирувчи ва тарқатувчи тизимнинг асосидир.

Бўлажак ўқитувчиларнинг маънавиятини шакллантириш энг аввало, мазкур жараён самарадорлигини кафолатловчи мезонларни аниқлаштириб олишни талаб этади. Бунинг учун эса, маънавиятни шакллантирадиган

умумфалсафий мезонларни ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

“Маънавий: асосий тушунчалар изохли луғати”да “маънавиятни шакллантирадиган мезонлар”га қуйидагича таъриф берилди: “Маънавиятни шакллантирадиган мезонлар – инсон онгига таъсир кўрсатадиган, унинг дунёқараши, тафаккур тарзини муаян йўналишга соладиган, ўзгартирадиган, жамият, миллатга хос маънавий, маданий ва моддий асослар, анъаналар, қадриятлар, мерос, турмуш тарзи, ғоялар ва қарашлар умумлашмаси” [1].

Маънавиятни шакллантирадиган мезонларни шартли равишда бир неча гуруҳга бўлиш мумкин:

1) миллат, халқ, давлатчилик, маданият, меъморий ёдгорликлар ва бошқа шу қабиларни қамраб олувчи тарихни, минг йиллар давомида ривожланиб келаётган қишлоқ ва сув хўжалиги билан боғлиқ аграр маданий анъаналарни, географик шарт-шароитга алоқадор тарихий муҳитни ифодаловчи моддий мерос;

2) халқимизга хос бир неча минг йиллик диний эътиқод, таълим-тарбия, шунингдек, барча илм-фан соҳалари ва улар ривожига муҳим ўрин тутган мутафаккирлар ва уларнинг асарлари, халқ ижодини қамраб олувчи маданий мерос;

3) халқимизга хос анъаналар, урф-одатлар, маросимлар, байрамлар, турмуш тарзи билан боғлиқ бошқа маданий омиллар;

4) халқ қадриятлари, тафаккур тарзи, мафқураси, халққа хос маънавий хусусиятлар, ғоялар, руҳият ва ўзаро ижтимоий қонуниятлар;

5) ҳозирги жамиятимизда бевосита амалий фаолият юритаётган, инсон тарбиясида катта таъсирга эга, умуман маънавий дунёқараш шаклланишида бош роль ўйнайдиган таълим-тарбия масканлари, ОАВ, кутубхона, театр, санъат саройлари ва шу қаби бошқа маънавий таълим воситаларини ўз ичига олади.

Юкорида баён этилганлар маънавиятни шакллантириш-нинг умумий мезонлари сирасига кириб, тадқиқотимиз объектдан келиб чиққан ҳолда, биз педагогик мезонлар масаласини ҳам ўрганишга ҳаракат қилдик. Жумладан, таълим фалсафасига доир адабиётларда педагогик категория сифатида мезоннинг қуйидаги хусусиятларини кўрсатиб ўтади: бошқарувчи талаблар; тарбиявий жараённинг қонуниятлари ҳамда зиддиятлари; эътиқод сифатида намоён бўлувчи ички бошқарувчи ғоя; маълум доирадаги ҳодиса ва жараёнларга нисбатан татбиқ этилиши; мезонлар гуруҳида ўзаро таъсирлашиш ва бир-бирини тўлдириш. Шундай қилиб, педагогик мезонлар – “педагог борлигининг доминанти, педагогик таъсир мавжудлигини таъминловчи фаолиятнинг мазмуни ва моҳиятини белгилаб берувчи қоидадир” [2].

Н.Муслимов олиб борилган тадқиқотлар ғояларига таяниб, ўқитувчининг касбий шаклланиш йўли ва йўналишини белгилаб берувчи методологик ғоя ва қарашларни ажрати олишга имкон берувчи қуйидаги мезонларни ажратиб кўрсатади:

1. Тарихийлик – предметни унинг ривожланиб бориш жараёнида ўрганиш. “Ҳар қандай ижти-

мой фан объектни яхлит ва мажмуавий тарзда ўрганишни тарихий мезон асосида қарайди. Шунга кўра, тадқиқотчи объектнинг мавжуд ҳолати ҳамда истиқболдаги ролини баҳолайди.

2. Мантикийлик – ўрганилаётган объектни алоҳида, уни ўраб турган муҳитдан ажратиб олинган ҳолда эмас, балки айнан яхлит тизим сифатида қарашни кўзда тутати. Акс ҳолда, ушбу объектни ўрганиш натижалари тадқиқот маҳсули эмас, балки фақат маълум натижаларни қайд этишдан иборат бўлиб қолади.

3. Диалектик мезон – шахснинг ижтимоий муносабатларнинг фаол субъекти эканлиги тўғрисидаги етакчи фалсафий ғоялар янгида талқин қилиниши натижасида тадқиқотлар мазмуни ҳам вақт ўтиши билан ўзгариб боради. Бу маънода диалектик мезон тарбиянинг етакчи мезони сифатида ўз даврининг устувор ижтимоий-маданий ғояларига йўналтирилади. Ғоялар мақсад, мазмун, метод ва тарбия натижаларига айлана бориб, педагогик жараённинг методологик асосини белгилаб боради.

4. Ўқитувчининг шахсий ва касбий ривожланиши ўз имкониятларини рўёбга чиқариш жараёни, ижодкорлик эса касбий фаолиятини лойиҳалашга бўлган объектив эҳтиёж сифатида қаралади. Ўқитувчининг касбий тайёргарлик жараёнини индивидуал лойиҳалаш ғоялари касбий-педагогик таълимнинг объектив етакчи мезони бўлиб қолмоқда [3].

Н.М.Эгамбердиева ижтимоийлаштириш билан боғлиқ-ликда тўрт – ижтимоийлашув мослашувчанлик, психологик мослашувчанлик, коммуникатив мослашувчанлик ва касбий етуклик мезонларини ажратиб кўрсатган. Мазкур мезонлар қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:

1. Ижтимоийлашув мослашувчанлик: 1) ўқитувчининг ижтимоий мақоми, ижтимоий роли ва ижтимоий функциялари ҳақидаги тасаввурлари; 2) ўз ижтимоий вазифасини англаши; 3) ўқув, педагогик ва ижтимоий фаолиятнинг хилма-хил турларида иштирок этиши; 4) ижтимоий талабларни бажариш; 5) касбий-ролли хулқ-атвора эғалиги; 6) шахсий ва касбий ўз-ўзини англаши.

2. Психологик мослашувчанлик: 1) ижтимоий талаб ва ҳаракатларнинг бирлиги; 2) мотив, қадрият, эҳтиёж ва бошқаларнинг касбий зарурияти ҳамда уларнинг ривожланиши.

3. Коммуникатив мослашувчанлик: 1) инсонлар билан мулоқотни йўлга қўйиш ва сақлаб тура олиш қўникмаси; 2) эмпатия ва қайғура олиш қобилияти; 3) меҳнат жамоасида ижобий ахлоқий-психологик муҳитни йўлга қўйишга интилиши; 4) ҳамкасблар билан инсонпарварлик, демократик ўзаро муносабатларни йўлга қўйиши.

4. Касбий етуклик: 1) педагогик касби ва фаолиятига ижобий муносабат; 2) педагогик касбига қадриятли муносабат; 3) танланган касбдан қониқиш ҳисси; 4) касбий-ахлоқий сифатларнинг мавжудлиги; 5) педагогик рефлексиянинг намоён бўлиши; 6) ўз-ўзини бошқара олиш; 7) касбий билим олишга

интилувчанлик; касбий муҳитни мувафаккиятли эгаллаш; 8) бор кучини сарф этишга тайёрлик; 9) савияси ва маънавий эҳтиёжларининг кенглиги; 10) педагогик мулоқотчанлик; 11) ижодий ёндашувчанлик; 12) касбий-педагогик кўникмаларни узлуксиз такомил-лаштиришга тайёрлик [4].

Олий таълим тизимида талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш билан боғлиқликда амалга оширилган қатор тадқиқотларда ҳам бўлажак ўқитувчи шахси маънавиятини шакллантириш билан боғлиқ айрим мезонлар ажаратиб ўрганилган. Жумладан, М.Куროнов бўлажак ўқитувчининг миллий тарбиячи сифатидаги шахсий ва касбий сифатларининг қуйидаги намунавий мажмуасини таклиф этган:

I. Шахсий сифатлар: маънавий етуқлик; миллий-мафкуравий онглилик; миллий одобилик; фаросат; нозик дидлик; ўз касбига садоқат; виждонийлик; ташаббускорлик; болажонлик; талабчанлик; адолатпарварлик; педагогик одоб; тадбиркорлик; қатъийлик; маънавий поклик ва бошқалар.

II. Билимлар: ўз фанининг миллий-тарбиявий имконият-ларини сезиш; Ўзбекистон ҳукумати, Президентининг ички ва ташқи сиёсатидан мукамал хабардорлик; миллий тарбиянинг назарий ва услубий асосларини чуқур билиш; ўзбек маданиятини чуқур, атрофлича билиш; миллатнинг тараққиёт қонунларини билиш ва бошқалар.

III. Кўникмалар:

III. 1. Конструктив кўникмалар: миллий тарбиявий ишларни режалаштириш малакалари; ҳар бола шахсининг педагогик ташхисини амалга ошира олиш; бир миллатли ва кўп миллатли талабалар жамоасида ҳар бир талабани миллий тарбиялашнинг хусусий дастурини тузиб, амалга ошира билиш ва бошқалар.

III. 2. Ташкилотчиликка доир кўникмалар: талабаларнинг ижтимоий-миллий фаолликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш; талабаларга миллий-тарбиявий мақсадларда топшириқлар бериш ва уларнинг бошқарилишини назорат қилиш, ёрдам бериш ва бошқалар.

III. 3. Коммуникатив кўникмалар: талабалар орасида шахслараро, гуруҳлараро, миллатлараро муносабатларни бошқариш; ҳар бир талаба қалбига йўл топиб, ўзига мойиллик уйғота олиш; жамоага, талабага кўрсатилиши керак бўлган тарбиявий таъсирнинг қандай натижа беришини олдиндан кўра билиш ва бошқалар [5].

Г.И.Махмутова томонидан амалга оширилган тадқиқотда эса, талабаларни педагогика туркум фанлари асосида маънавий шакллантиришда қуйидаги мезонлар асос қилиб олинган:

1. Ватан равнақи йўлида хизмат қилишнинг олий инсоний бурч эканлигини англаш, ватанпарварлик туйғусига эга бўлиш.

2. Юрт тинчлиги, Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида фаолият кўрсатиш.

3. Комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик – тушунчалари моҳияти борасида муайян тушунчага эга бўлиш.

4. Байналминаллик туйғусига эга бўлиш; ўзга миллат ва элатларнинг ҳақ ва эркинликларини ҳурмат қилиш.

5. Динлараро бағрикенглик (толерантлик), ўзга миллат ва элатлар, шунингдек, кишиларнинг виждон эркинлигига нисбатан ҳурмат кўрсатиш.

6. Инсоний фазилатлар (билимлилик, инсонпарварлик, камтарлик, ахлоқ-одоб, меҳнатсеварлик ва ҳ.к.) ни намоён қилиш [6].

Педагогика фанлари доктори Д.Рўзиева томонидан амалга оширилган тадқиқот ишида эса, талабаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ муҳим фазилат миллий ифтихор туйғусини шакллантириш мезонлари сифатида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилган:

1. Талабалар томонидан миллий ифтихор тушунчасининг луғавий маъноси ва мантикий моҳиятининг чуқур англашганлиги.

2. Талабаларда миллий ифтихор туйғусига эга бўлиш эҳтиёжи ва хоҳишининг юзага келганлиги.

3. Талабалар томонидан Ватан равнақи, юрт обод-лиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган ижтимоий-фойдали фаолиятнинг амалга оширилиши.

4. Талабаларнинг бу соҳада алоҳида фаоллик кўрсата олишлари [7].

Педагогика фанлари доктори Ш.Т.Халилова ахлоқий маданият негизини ташкил этувчи қуйидаги маънавий-ахлоқий фазилатлар мажмуини ишлаб чиққан:

I. “Демократик жамият фуқароси ахлоқий тарбияси” блоки бўйича:

1) фаол фуқаролик позициясига эга бўлган;

2) ватанпарвар;

3) демократик кадриятлар ва озодликка йўналган;

4) ҳуқуқий билимдон;

5) Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган мажбуриятларни бажарадиган шахс.

II. “Ўз касбининг малакали мутахассиси” блоки бўйича:

1) касбий онглилик;

2) ўз касбига нисбатан чуқур қизиқиш ва муҳаббат;

3) касбий маҳорат ва салоҳиятли;

4) касбий қизиқиш ва масъулиятни ҳис қилиш;

5) ўз фаолиятида касбий вазифаларни самарали бажаришни ривожлантириш.

III. “Юқори маданиятли шахс” блоки бўйича:

1) ахлоқий сифатлар (ҳалоллик, масъулиятлилик, хушмуомалалик, камтарлик) нинг юқори даражада бўлиши;

2) юксак миллий ва умуминсоний кадриятларни тушунган ҳолда ахлоқий маданиятли бўлиш;

3) гуманистик қарашлар, эътиқод ва дунёқарашга эга бўлишга қаратилган.

IV. “Глобаллашув жараёнида зиёли шахс” блоки бўйича:

1) хулқ-атвор ва мулоқотда юксак маданиятлилик;

2) юқори даражада ташаббускор бўлиш;

3) эстетик ва бадиий маданиятга эга бўлиш;

4) ишда мунтазамлилик ва танқидий фикрлашга эга бўлиш;

5) илғор қарашлар ва фикрга эга бўлиш;

6) бошқа миллат ва эътикод эгаларига нисбатан толерантлик (бағрикенглик) ва хурматда бўлиш;

7) миллий зиёлиларнинг энг яхши хусусиятлари ва анъаналарини сақлай билиш малакалари ривожлантирилади.

V. “Ижодкор шахс” блоки бўйича:

1) методологик, илмий-тадқиқот маданияти;

2) ижодий, илмий-тадқиқот малакалари ва қобилиятлари ривожланган;

3) ўз танлаган касбида ҳам индивидуал, ҳам жамоавий ижодий фаолиятда қобилиятлили;

4) ўз билимларини назарий ва амалий вазибаларни бажаришда қўллай олиш малакалари шаклланган.

VI. “Рақобатбардош шахс” блоки бўйича:

1) меҳнатсеварлик;

2) доимий равишда ўз касбий маҳоратини ошириш;

3) коммуникатив ва етакчилик сифатлари шаклланган;

4) ташаббускорлик;

5) масъулият ва жавобгарлик;

6) бошлаган ишни ниҳоясига етказиш;

7) ишни юқори сифатли бажариш малакалари ривожланган.

VII. “Юксак маданият эгаси” блоки бўйича:

1) ахлоқий маданиятли;

2) эстетик маданиятли;

3) хулқ-атвор ва мулоқот маданияти;

4) методологик ва интеллектуал маданиятли;

5) ахборот маданиятли;

6) касбий фаолият маданиятли;

7) фуқаролик маданияти;

8) экологик маданият;

9) валеологик маданиятли (ёки саломатлик маданиятини чуқур эгаллаган) [8].

Р.Ярматов эса, ўзининг “Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш” номли илмий-тадқиқот ишида бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий ривожланишларининг умумий мезонлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтади:

1) бўлажак ўқитувчи шахсининг мотивацион йўналганлиги;

2) маънавиятга доир назарий билимларни ўзлаштирган-лик даражаси;

3) маънавий маданиятнинг ривожланиш тарихига доир билимларга эгалик;

4) маънавий ривожланганлигини амалиётда намоён эта олиш;

5) ўз-ўзини маънавий такомиллаштириш истиқболларини кўра олиш [9].

Юқорида баён этилган бўлажак ўқитувчиларни шахсий ва касбий шакллантириш билан боғлиқ қатор мезонларга таянган ҳолда, тадқиқотимиз доирасида технологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг маънавиятини шакллантириш мезонлари ва кўрсаткичлар аниқланди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг маънавиятини шакллантириш мезонларини аниқлаш қуйидаги технологик ёндашувга асосланиши лозимлиги ҳақидаги ҳулосага келинди:

1. Бўлажак ўқитувчиларнинг маънавиятнинг мазмун-моҳиятини билиш ва тушуниш даражаси (I даража) – маънавият билан боғлиқликда ўрганилган материални хотирада сақлаб қолиш, қайта айтиб бера олиш, моҳиятини идрок этиш ва тушунганини намойиш этиш, қўйилган масалани бир шаклдан бошқа шаклга кўчириш.

2. Маънавият билан боғлиқликда ўрганилган мате-риалларни амалий фаолиятда қўллай олиш даражаси (II даража) – ўрганилган умумий тушунча, назария, қоида ва услубларни хусусий, муаммоли вазиятлар, мисол ва масалаларга татбиқ эта билиш, амалда самарали қўллай олиш.

3. Анализ (таҳлил) ва синтез (умумлаштириш) даражаси (III даража) – берилган муаммони ҳал қилиш учун зарур маълумотларни турли хил манбалардан топиш, тартибга солиш, таҳлил қилиш, ўрганилган яхлит материални алоҳида-алоҳида бўлақлар, таркибий қисмларга ажрата олиш ва улар орасидаги ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик, ўзаро муносабатларни аниқлаш асосида таҳлил этиш, алоҳида тушунча ва ғояларни умумлаштириб, яхлит ҳулоса чиқара олиш.

4. Баҳолай олиш даражаси (IV даража) – муаммоли вазиятни маълум ички ёки ташқи мезонлар ёрдамида баҳолаш ва таққослаш, улар асосида иқтисодий мазмунга эга қарорларни қабул қилиш, танқидий фикрлаш кўникмасига эга бўлиш.

Мазкур технологик босқичларга асосланиб, бўлажак ўқитувчиларнинг маънавиятини шакллантиришнинг қуйидаги мезон ва кўрсаткичлари мажмуи юзага келтирилди (1.2.1-расм):

№	Бўлажак ўқитувчилар маънавиятини шакллантириш мезонлари	Бўлажак ўқитувчилар маънавиятини шакллантириш мезонларига мос кўрсаткичлар
1.	Бўлажак ўқитувчиларнинг маънавият тушунчаси мазмун-моҳиятини илишлари ва тушуна олишлари даражасини елгиловчи мезонлар	1) маънавият билан боғлиқ тушунчаларнинг мазмун ва моҳиятини англай олиш; 2) маънавият қонунлари, унинг индивидуал шакллари ва миллий асосларини билиш; 3) миллий ғоя, мафкура ва маънавият, маънавият ва моддийлик, маънавият ва дин, маънавият ва иқтисод, маънавият ва маърифат, маънавият ва сиёсат, умуминсоний қадриятлар ва миллий маънавиятимизнинг уйғунлигини тушуниш; 4) миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари ва маънавий меросимиздан хабардор бўлиш.
2.	Бўлажак ўқитувчиларнинг маънавият билан	1) касбий фаолияти билан боғлиқликда маънавий етукликни намоён эта олиш; 2) ўзининг педагогик фаолиятида маънавий меросдан самарали

	боғлиқликда ўрганилган материалларни амалий фаолиятда қўллай олиш даражасини белгиловчи мезонлар	фойдалана олиш; 3) маънавий иллатларга қарши тура олиш ва курашиш; 4) маънавий тарғибот ва ташвиқот ишларида фаол иштирок этиш; 5) маънавий-маърифий ишларда жонбозлик ва маънавий жасорат кўрсата олиш.
3.	Бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий ҳаётни анализ (таҳлил) ва синтез (умумлаштириш) қила олиш даражасини белгиловчи мезонлар:	1) “маънавият” ва “маънавиятсизлик”нинг фарқини ажрата олиш; 2) маънавий-ахлоқий фазилатларни таснифлаш; 3) мустақиллик маънавиятининг асосий йўналишлари ва ўзига хосликларини белгилай олиш; 4) шахс ва миллат маънавий камолотининг уйғунлигини тавсифлаш; 5) шахс маънавияти ва миллий маънавиятнинг ўзаро нисбатини умумлаштира олиш.
4.	IV. Бўлажак ўқитувчиларнинг шахс маънавий эҳтиёжларини баҳолай олиш даражасини белгиловчи мезонлар	1) касбий фаолияти билан боғлиқликда маънавий етукликни намоён эта олиш; 2) ўзининг педагогик фаолиятида маънавий меросдан самарали фойдалана олиш; 3) маънавий иллатларга қарши тура олиш ва курашиш; 4) маънавий тарғибот ва ташвиқот ишларида фаол иштирок этиш; 5) маънавий-маърифий ишларда жонбозлик ва маънавий жасорат кўрсата олиш.

1.2.1.-расм. Бўлажак ўқитувчилар маънавиятини шакллантириш мезонлари ва кўрсаткичлари

Адабиётлар

1. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. // Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. –Т.: «Ғафур Ғулом», 2010, 346-б.
2. Гершунский Б.С. Философия образования XXI века (В поисках практико-ориентированных образовательных концепций). –М.: «Совершенство», 1998, -С. 80.
3. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. –Т.: 2007, 31-32-б.
4. Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида ўқувчиларни шахсий ҳамда касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. –Т.: 2010, 28-29-б.
5. Куронов М. Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. –Т.: 1998.
6. Махмутова Г.И. Олий педагогик таълим тизимида ўқувчиларни маънавий шакллантиришнинг ижтимоий педагогик хусусиятлари: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. –Т.: 2004.
7. Рўзиева Д.И. Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори ... дисс. –Т.: 2007.
8. Халилова Ш.Т. Жаҳон тилларини ўрганиш жараёнида талабаларда ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. –Т.: 2008, 253-б.
9. Ярмагов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. –Т.: «Fan va texnologiya», 2009, 18-20-б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада маънавият масалалари таҳлил этилган бўлиб, унда бўлажак ўқитувчилар маънавиятини шакллантириш мезонлари ва кўрсаткичлари ҳақида фикр юритилади. Бундан ташқари мақолада бўлажак ўқитувчилар маънавиятини шакллантириш мезонлари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқишда ушбу соҳада олиб борилган тадқиқот ишлари илмий жиҳатдан таҳлил этилган

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается вопросам духовного воспитания, в ней речь идёт о критериях и показателях формирования духовности у будущего учителя. В работе делается также обзор научных исследований по данному вопросу.

SUMMARY

The article deals with the issues of spiritual education, the criterias and indicators of forming spirituality in future teachers. The article also contains the review of scientific research works on the issue under discussion.